

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК
АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

417 **Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1988-1*

(2011 йил 10 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июндаги 166-сон «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 22-23-сон, 236-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2009 йил 24 июндаги 72-сон буйруғи (рўйхат рақами 1988, 2009 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 30-31-сон, 353-модда) билан тасдиқланган Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бош директор

А. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 26 август,
35-сон

Ўзбекистон Республикаси
Интеллектуал мулк агентлиги
бош директорининг 2011 йил
26 августдаги 35-сон буйруғига
ИЛОВА

**Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан
ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш
қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг учинчи хатбошисидаги «Патент идораси — Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси» деган сўзлар «Агентлик — Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 10 ва 11-бандлардаги, 12-банднинг учинчи хатбошисидаги, 18-банднинг биринчи хатбошисидаги, 36 ва 42-бандлардаги, 51-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 54-банднинг биринчи хатбошисидаги, 75-банднинг биринчи хатбошисидаги, 79-банднинг биринчи хатбошисидаги, 97-банднинг биринчи хатбошисидаги, 98-банднинг «а» кичик банди иккинчи хатбошиси ва «в» кичик бандидаги, 99-банднинг «б» ва «в» кичик бандларидаги, 101-банддаги ва 133-банднинг биринчи хатбошисидаги «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. 15-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 19 ва 37-бандлардаги, 40-банднинг иккинчи хатбошисидаги ва 57-банднинг биринчи хатбошисидаги «Патент идорасида» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин.

4. 3-бобнинг номидаги, 38-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 3-бобнинг 2-параграфи номидаги, 44 ва 52-бандлардаги, 88-банднинг иккинчи хатбошиси ва 96-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Патент идораси» деган сўзлар «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин.

5. 41-банддаги, 58-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 78 ва 119-бандлардаги ва 120-банднинг биринчи хатбошисидаги «Патент идорасининг» деган сўзлар «Агентликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин.

6. 48-банддаги «Патент идорасига» ва «Патент идорасининг» деган сўзлар тегишли равишда «Агентликка» ва «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 59-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Патент идораси» ва «Патент идорасининг» деган сўзлар тегишли равишда «Агентлик» ва «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 1 — 5 иловалардаги «ЎЗР ДПИ» қисқартмаси ва «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси 100047, Тошкент шаҳри, Тўйтепа кўчаси, 2а уй Тел.: (99871) 232-00-13, 232-00-15 Факс: (99871) 233-45-56 E-mail: info@patent.uz» деган сўзлар тегишли равишда «ЎР ИМА» қисқартмаси билан ва «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги, 100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик хиёбони, 59-уй, Тел.: (99871) 232-00-13, Факс: (99871) 233-45-56 E-mail: info@ima.uz» деган сўзлар билан алмаштирилсин.